

ҚУДУРИЙНИНГ ҲАДИС ИЛМИДАГИ САЛОҲИЯТИ

Нодирбек Кабилович Турабоев

Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

ntoraboyev79@mail.ru

Аннотация: Ҳадис илмида забардаст олимлар кўплаб етишиб чиқди. Улар орасида Абул Хусайн ал-Қудурийни ҳам кўришимиз мумкин. У ҳадис соҳасида кўплаб улуғ устозлардан таълим олди ва улардан оз бўлса-да, ҳадислар ривоят қилди. Шунинг, бу илм соҳасида забардаст муҳаддисларга устозлик қилди. Улар ўз устозидан ҳадислар ривоят қилди. Мақолада олимнинг ҳадис китоби ҳақида ҳам сўз юритилган.

Калит сўзлар: ҳадис, ривоят, саҳиҳ, сиқо, хофиз, сиҳхат, тасниф

СИЛА КУДУРИ В НАУКЕ ХАДИСОВ

Аннотация: В науке о хадисах было много великих ученых. Среди них был заметным Абул Хусейна аль-Қудури. Он получил образование в области хадисов у многих великих учителей и сам повествовал хадисы, хотя их количество не так уж много. Эти знания дали ему стать наставником великих мухаддисов в этой области науки. Они передавали хадисы от своего учителя. В статье также упоминается книга хадисов ученого.

Ключевые слова: хадис, повествование, саҳиҳ, сиқа, хафиз, сиҳхат, тасниф

THE POWER OF QUDURI IN THE SCIENCE OF HADITH

Annotation: In the science of hadith, many great scholars have emerged. Among them we can see Abul Husayn al-Quduri. He was educated in the field of hadith by many great teachers and narrated hadiths, albeit few of them. Therefore, he was a mentor to the great muhaddiths in the field of science. They narrated hadiths from their teacher. The article also mentions the scholar's book of hadith.

Keywords: hadith, narration, sahih, siqa, hafiz, sihat, tasnif

Абул Хусайн ал-Қудурий ал-Бағдодий ал-Ҳанафий (973-1037) Бағдодда яшаб ўтган. Имом турли илм соҳаларида кўплаб устозлардан таълим олган. Унинг фикҳдан ташқари бошқа илмларда ҳам етук бўлган. Жумладан, ҳадисда моҳир бўлганлиги учун хофизлар қаторида ҳам номи зикр қилинган. Ҳадиснинг исломда тутган ўрни жуда ҳам юксакдир. “Қуръони карим Ислом дастури, биносининг асоси ва Ислом шариати, ҳукмлари ва одобларининг биринчи манбаидир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари эса Ислом шариатининг Қуръондан кейинги иккинчи асл манбаи ҳисобланади” [1.Б.16].

Имом ал-Қудурий дастлаб ҳадис илмини Абулхусайн Убайдуллоҳ ал-Ҳавшабийдан олган ва ундан ривоят қилган. Яна Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Сувайддан ҳадис ривоят қилган.

Имом ал-Қудурий кўплаб шогирдларга ҳадисдан таълим берган. Уларнинг кўплари етук олимлар бўлиб етишган. Жумладан, Ал-Ҳатиб ал-Бағдодий шофеейларининг машҳур фақиҳи ва буюк муҳаддиси ҳисобланади. У Қудурийдан ҳадис ривоят қилганлигини ўзи эътироф этган.

Ҳамма биографлар яқдиллик билан имом ал-Қудурийни ўз даврининг ҳанафийлари етакчиси бўлганлигина эътироф этадилар. Шогирди ал-Ҳатиб ал-Бағдодий у ҳақда шундай ёзади: “У камроқ ҳадис ривоят қилган ва мен уларни ундан ёзиб олганман. У сиқо (ишончли, ростгўй) одам эди ва фикҳдаги даражасига ўзининг заковати сабабидан эришган. Ироқда Абу Ҳанифа издошларининг етакчилиси бўлди. Уларнинг наздида улуғ инсон ва мартабаси юқори эди”. [2.Б.377] Бундан кўринадики, имом фикҳдан ташқари, ҳадис илмида ҳам моҳир бўлган. Имом Заҳабий ўзининг “Тазкиратул хуффоъ” асарида уни ҳадис хофизлари қаторида санаган.

“Ал-Жавоҳир ал-музийя фи табақотил ҳанафийя” асарида имом Ал-Қудурий ҳақида шундай дейди: “Муҳаммад ибн Али ибн Сувайд Ал-Муаддидан ва Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Ал-Ҳавшабийдан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса қозий кузот Абу Абдуллоҳ Ад-Домағоний ва Ал-Ҳатиблар ҳадис ривоят қилишган. Айтади: ундан ёзиб олдим, у самимий киши эди ва озроқ ривоят қилган”. [3.Б.247-250]

“Жузъун фил ҳадис” алломанинг ҳадисга бағишланган ягона асари ҳисобланади. **Унда ўзи ривоят қилган ҳадислар жамланган.** Ал-Қураший деди: “Менинг кўлимга унинг ҳадисларидан бир китобчаси тушиб қолди. Қози Кузот Абу Абдуллоҳ ад-Домағоний ундан қилган ривоятларидан иборат эди”. [4.Б.16]

Муҳаддислар жамлаган ҳадисларини турли тартибларга кўра тасниф қилганлар. Мавзулар тартибида бўлса, улар “жавомеъ”, “сиҳоҳ” ёки “сунан” деб аталади. Саҳобар тартибида бўлса, “масонид” дейилган. Шайхлари ривоятларига кўра тартиблаган бўлса, “маожим” ёки “машъахот” деб номланган. Ҳадис тўпламлари орасида “мағозий”, “сияр” деган турлари ҳам бор. Шундай жамланмалар орасида “жузъул ҳадисий” деб номлангани ҳам борки, у муайян мавзуларга кўра, ёки ундан бошқа тартибларда ҳам бўлиши мумкин. Бу турдаги тўпламларнинг ҳадислари кўп бўлмайди. Лекин бу унинг сиҳҳатига таъсир этмайди. Абул Ҳусайн ал-Қудурийнинг шундай тўпламида 23 та ҳадис мавжуд бўлиб, улар турли мавзуларга оид. Ҳадисларни оз ривоят қилган бўлса ҳам муҳаддис ҳисобланади. Чунки, ўзига етиб келган ҳадисларнинг саҳиҳ деб ҳисоблаганларини териб бир муқовага жамлаган. Лекин бу илмда етук эканлигини Ҳатиб Бағдодий каби баъзи машҳур муҳаддислар ундан таълим олганлигидан ҳам билса бўлади.

Абул Ҳусайн ал-Қудурийнинг ҳадислари мавзуси асосан ибодатлар ва уларнинг фазилатлари ҳақида дейиш мумкин. Масалан,

биринчи ҳадис: Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Эй, савдогар жамоаси, сизлардан бирортаси қачонки бозоридан қайтгач, (Қуръондан) ўн оят ўқиса, бас унга ҳар бир оятнинг ҳасанотлари ёзилади.” Иккинчи ҳадис: Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан, деди: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: ким қасдан мени қоралаб ёлғон гапирса, оловдан бўлган жойни эгаллайди.” Учинчи ҳадис: Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан, деди: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: ким одамларга раҳим қилса, Аллоҳ азза ва жалла унга раҳим қилади.” [5] Аллома ривоят қилган ҳадислар саҳиҳ тўпламларда ҳам зикр қилинган. Сихҳати жиҳатидан эътироз йўқ. Шу билан биргаликда бу ҳадислар фикҳда далил сифатида ҳам қўлланилишига кўра эътиборлидир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Абул Ҳусайн ал-Қудурий фикҳ илмида қай даражада моҳир бўлса, ҳадисда ҳам шу даражада илмга эга бўлган экан. Унинг илмий мероси ҳам фикҳда ҳам ҳадисда алоҳида эътироф қилинади. “Жунъун фил ҳадис” асари айни дамда ўзбек китобхонлари орасида ҳадис илмига қизиқувчилар учун яхши янгилик бўлар эди. Бизнинг вазифамиз келгусида уни тўлиқ таржима қилиб изоҳлари билан китобхонларга етказиш. Бу зот қолдирган асарларлар орқали динимизни янада теран англашимиз мумкин бўлади деб ишонамиз.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Олтин силсила, Саҳиҳул Бухорий, Ҳилол нашр, Тошкент, 2012 й, 16 б.
2. Хатиб Бағдодий, “Тарих Бағдод” Байрут, Дорул кутубул илмийя, -Ж 4, -377б.
3. Абдулқодир ибн Муҳаммад ал-Қураший “ал-Жавоҳир ал-Музийя фи табақотил ханафийя”, Абдулфаттоҳ Муҳаммад Ал-Ҳулув таҳқиқи, “Ҳажр”, Қоҳира, 1413 х. 1-жуз. 247-250 б.
4. Доктор Салоҳ Муҳаммад Абул Ҳож, Хулосатуд далоил ва танқиҳул масоил, Марказу анворул уламо лиддироса, Аммон, 2015 й, Б. 16
5. Абул Ҳусайн ал-Қудурий, Жузъун фил ҳадис, Доктор Нофиз Ҳусайн Ҳаммод таҳқиқи, Мажаллутул жомиатул исломийя, Фаластин